Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 31 январь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 23 (2851)

## Фарзандлар — Ватан ардоғида

**Шу йилнинг 25 январь куни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.**

**Шу муносабат билан биз республика Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Анвар Шукурович ЗОКИРОВга мурожаат қилиб, Президентимизнинг ушбу Фармони ва унга асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор Халқ таълими вазирлигида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**

*Қарорни ўқиб...*

— Бу ҳужжатлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш бўйича Президентимиз томонидан белгилаб берилган машҳур бешта тамойилдан бири — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш бўйича кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг амалдаги яна бир исботи бўлди, — деди бизга Анвар Зокиров. — Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг I босқичи муваффақиятли якунланиб, иккинчи босқичга ўтишда ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга янада кўпроқ эътибор қаратилаётгани қабул қилинган хужжатларда ўз аксини топмоқда.

Бу фикрни биргина 2001 йил мисолида халқ таълими соҳасида қайд этилган қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2001 йилнинг 1 сентябрида 600 мингдан зиёд 1-синф ўқувчиси Президентимиз совғалари бўлган 12 турдаги ўқув анжомлари билан мактабга келдилар. 1-4-синфларда ўқиётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 300 мингга яқини қишки уст-бош билан таъминландилар. Буларга республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, 1-синфларнинг барча ўқувчилари, махсус ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг ўқувчилари, «Меҳрибонлик уйлари»нинг тарбияланувчилари 6 миллион 686 нусхада, яъни 453 миллион сўмлик дарсликлар билан бепул таъминландилар.

Умумий ўрта таълим мактабларида билим олаётган ўқувчиларимизни дарсликлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2001 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда биттадан туманда Осиё ривожланиш банки кредит маблағлари ҳисобидан дарсликларнинг ижара тизими йўлга қўйилди. Тажриба синовининг моҳияти шундан иборатки, ота-оналар фарзандлари учун сотиб олаётган дарсликлар тўплами умумий баҳосининг тўртдан биринигина тўлайдилар. Бу ҳам оилани ижтимоий қўллаб-қуватлашнинг бир кўриниши бўлиб, янги ўқув йилида тажриба — синов ишлари кўламини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Республика Президентининг шу йилнинг 25 январидаги Фармони ва шу асосда қабул қилинган республика ҳукумати қарорининг муҳим бир афзаллиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Маълумки, Президентнинг 1383-сонли Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорида қишки иссиқ кийим-бош билан ҳамда бепул дарсликлар билан фақат кам таъминланган оилаларнинг **бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларини** ҳамда **махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчиларини** таъминлашгина кўзда тутилган эди. Энди янги Фармон ва ҳукумат қарорига биноан эса, кам таъминланган оилаларнинг **1-синфдан 9-синфгача бўлган барча болалари** бу ҳар икки имтиёздан баҳраманд бўладилар. Айни пайтда, 1-синфга биринчи йил бораётган ўқувчиларни дарсликлар ва 12 турдаги ўқув қуроллари ва анжомлари билан бепул таъминлаш бўйича имтиёзлар тўла сақлаб қолинади.

Бугунги кунда барча таълим муассасаларида «Маҳалла» қўмиталари билан биргаликда 5-9-синфларда ўқийдиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари умумий сони ҳисоб-китоб қилинмоқда. Шунингдек, мактабларнинг кутубхона заҳираларини бойитиш мақсадлари учун 1,5 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Бу маблағ 2001 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпдир. Айни пайтда, Фармон ва қарорда умумий таълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларини кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили бепул таъминлаш, етим ва қаровсиз болаларга барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётганда ва ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда энг кам иш ҳақи миқдорининг 80 баробаригача, 2003 йилда 100 баробаригача, шунингдек, пул нафақасини 2002 йилда энг кам иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда 5 бараваригача миқдорда ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ўқув муассасаси ўқувчиларнинг яшаш жойидан узоқ масофада бўлган ҳолларда, уларни бюджет маблағлари ҳисобидан имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида яна бир янгилик бор. Бу янгилик шуки, чақалоқни ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар бир чақалоқ учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ойлик нафақа берилади. Бу республика Президенти ва ҳукуматнинг ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг етук инсон бўлиб камол топишларига қилинаётган оталарча ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Албатта, бу имтиёзларни рўёбга чиқариш учун жуда катта миқдордаги бюджет маблағлар керак бўлади. Республика Президенти ва ҳукумати бундай сарф-харажатларга республика иқтисодиёти учун ҳар бир сўм зарур бўлиб турган шароитда қўл урдилар. Бундай қарорга ўз истиқболига ишонган, бу сарф-харажатлардан ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш манфаатининг устун эканлигига ишонган давлат раҳбарларигина азм қила оладилар.

Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиради. Хусусан, илгари **16 ёшгача** фарзандлари бўлган муҳтож оилаларгина давлат нафақаларидан фойдаланган бўлсалар, энди Президент Фармонига мувофиқ, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган **18 ёшгача** болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам бу имтиёздан фойдаланадилар.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси қарорида Халқ таълими вазирлигига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун тегишли гуруҳлар шакллантирилди ва бу вазифалар ўз вақтида ижро этилади. Республика Президентининг юқоридаги Фармони ва ҳукумат қарори мазмунига кириб борар эканмиз, беихтиёр Ислом Каримовнинг 1997 йил 29 августда Олий Мажлис IX сессияси минбаридан туриб: **«Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик»**, деган даъвати ёдга тушади. Зотан, юқоридаги Фармон ва ҳукумат қарори Президентимизнинг ўз оташин даъватига содиқлиги ифодасидир.

## Бутловчи қисмлар ўзимизда тайёрланмоқда



*Асакада ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги автомобилларимиз аллақачон экспертларнинг синовидан ўтиб, нафақат республикамиз аҳолиси, ҳатто хорижликларнинг ҳам мулкига айланди. Айни чоғда бу ердаги конвейерлардан кунига янги-янги машиналар тушмоқда. Шу билан бирга, уларни бутловчи қисмлар ила таъминлаш масаласи ҳам эътиборда турибди. Айни шу мақсадда ўтган йили Фарғона механика заводининг бир цехи базасида «ТАПО-Диск» қўшма акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. Ушбу жамоа ишчи-хизматчилари айни кунларда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига кўплаб миқдорда автомобиль ғилдираги дискаларини етказиб бермоқдалар.*

**СУРАТЛАРДА: қўшма акциядорлик жамиятининг илғор ишчиси Даврон Козимов; корхонанинг цехларида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР РЕФЕРЕНДУМ ҲАҚИДА

**Шу йил 27 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумида дунёнинг 33 мамлакатидан 125 нафар халқаро кузатувчи иштирок этди. Сони жиҳатидан АҚШ ва Канададан кўпроқ — 17 нафар кузатувчи ташриф буюрди. Шунингдек, Европанинг 11 давлатидан, Осиё ва МДҲнинг кўплаб мамлакатларидан халқаро кузатувчилар келдилар.**

**Референдумда дунё ҳамжамияти давлатларининг вакиллари Ўзбекистоннинг саккиз вилоятида овоз бериш жараёнларини кузатишди.**

**Қуйида улардан айримларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

***Жон ДАЙЛИ, Яқин Шарқ институтининг эксперти, АҚШ:***

— Ўзбекистонни нотинч минтақадаги тинчлик ороли деб, ҳисоблаш мумкин. И.Каримов етакчилигида ўтказилаётганислоҳотлар сизнинг ёш мустақил мамлакатингиз дунё даражасига чиқишини албатта таъминлайди. Икки палатали парламентни шакллантириш ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдаги босқичлардан бири ҳисобланади.

***Стив БАУЭРС, Нельсон институти (Виржиния штати, АҚШ):***

— Мен референдумга қўйилган масалалар мамлакатингизни демократлаштириш учун жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

Референдум куни Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари менда катта таассурот қолдирди. Белгиланган вазифаларнинг амалий ижроси демократик давлат ва жамият қурилишига ижобий таъсир кўрсатиши лозим, деб ўйлайман.

***Р.РИЕСС, Бавария ландтаги вице-президенти, Германия:***

— Референдум Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётини демократлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Референдум ортидан қонунчилик соҳасида ҳам, шунингдек, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида вазифаларнинг аниқ-равшан чекланиши борасида ҳам сермашаққат ишлар қадамба-қадам бориши лозимлиги тўғрисида Президент Ислом Каримовнинг айтган фикрларига қўшилмаслик мушкул.

Халқ ўз иштироки билан референдумда фақат ўз хоҳиш-иродасини изҳор этиши мумкин, бу ҳокимият органларида қай тариқа рўёбга чиқарилиши эса мамлакат ва жамиятнинг бундан кейинги тараққиётига боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

*Ёлғондан асрасин*

## ЎЙЛАМАСДАН ГАПИРГАН...

**Очиғи, одамлар эндигина «миш-миш»лардан бироз тин олган эди. Чунки Афғонистонда аксилтеррор амалиётлари бошланган кезлар баъзи хорижий матбуот нашрлари, хусусан Россия оммавий ахборот воситалари вужудга келган вазиятни шарҳлаш асносида асоссиз «миш-миш»лар тарқатиб, кўпчиликни чалғитишга ҳаракат қилганлиги ҳаммамизнинг ёдимизда.**

Ўшанда «Известия» газетаси «Ўзбекистонда уруш ҳолати юзага келди, ўзбек-афғон чегарасининг бир томонида бугун-эрта саккиз мингта кишилик мужоҳид турибди», «НТВ» телеканали эса «фалон минг жангари Ўзбекистонга киришга тайёр турибди, кирди ҳам», деган сафсата сотган бўлса, баъзи нашрлар эса «Ўзбекистон бизсиз яшай олмайди, мустақиллигини сақлаб қолиши амри-маҳол» деган гапларни ёзганди. Эсингизда бўлса, бундай «миш-миш»ларга учган кўплаб хорижий журналистлар эртасигаёқ Термизга ёпирилиб келишганди. Қарашса ҳаммаёқда осойишталик, ўзбекистонликлар тинч бунёдкорлик ишлари билан банд.

Қарангки, ўша нашрларнинг «лаббайчи» мухбирлари бугун яна эски нағмаларини бошлашмоқда. Эътибор беринг, сўнгги кунларда ана шу нашрлар «Қатъий қадам қўйилди», «Россия тарк этаяпти», «ЕИ ва АҚШ Марказий Осиёда, бу заминда ким қолади?», «Руслар хафа бўлди», «Тез орада АҚШ Россиянинг Марказий Осиёдан кетишини сўрайди», «АҚШ Осиёда — бу қалтис қадам» каби қатор сарлавҳалар остида уйдирмалардангина иборат бўлган мақолаларни чоп этди. Эмишки, «АҚШ Марказий Осиёда узоқ муддатга ҳарбий базаларини яратармиш», «АҚШ Ўзбекистоннинг ҳарбий аэродромидан фойдаланиш учун 25 йилга пинҳоний шартнома имзолабди».

(Давоми 3-бетда).

## ЕР ТЎЙСА, ЭЛ БОЙИЙДИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги 63-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида "Ўзагрокимётаъминот" давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамда Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика маркази негизида мустақил "Ўзқишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганди.***

Ўтган вақт мобайнида мазкур компанияда 2001 йил ҳосилига минерал ўғит ва кимёвий воситаларни етказиб бериш бўйича 2 минг 166 ширкат ҳамда 34 минг 556 деҳқон-фермер хўжалиги билан тузилган шартномаларнинг амалда бажарилишига эришилди. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг сифатли сақланиши, тўғри тақсимланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

Айни вақтда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига зарур миқдордаги ўғит ва бошқа кимёвий маҳсулотлар белгиланган агротехник муддатларда етказиб берилмоқда.

Шунга қарамай, фосфорли ва калийли ўғитларни жойларга ўз вақтида, етарли миқдорда етказиб бериш борасидаги муаммолар ҳали-ҳануз ижобий ечимини топмаяпти. Жойларда кимё заводлари раҳбарлари лимитларга риоя қилмасдан, тегишли ташкилотлар билан келишмасдан, минерал ўғитларни тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига бериб юбориши ҳоллари учрамоқда. Жумладан, Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд қонун-қоидаларга зид равишда кўплаб миқдордаги азотни хусусий тадбиркорларга бериб юборган.

(Давоми 2-бетда).

## Афғонистон делегацияси ташрифи

Афғонистон Ислом Давлати муваққат маъмурияти раҳбарининг ўринбосари, режалаштириш вазири Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф давомида Афғонистон делегацияси вакилларининг республика Вазирлар Маҳкамасида учрашувлари, қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш вазирликларида, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида музокаралари бўлиб ўтди.

Афғонистон делегацияси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди ва бу ерда ташқи сиёсий фаолият бўйича ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Музокаралар чоғида кенг қамровли йўналишлар, хусусан, эски автомобиль йўлларини таъмирлаш ва янги йўллар қуриш, Афғонистонга Ўзбекистондан борадиган транзит юкларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, наркотик моддаларни етиштириш ва тарқатишга қарши ҳамкорликда курашиш, ўзбек мутахассислари томонидан Афғонистонга электр энергияси ва иншоотларини етказиб бериш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, ирригация соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш, республика олий ўқув юртларида афғонистонлик талабаларни ўқитиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон томони Афғонистонни тиклаш жараёнида иштирок этишга умид билдирди.

Музокаралар ниҳоясида томонлар турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича Қўшма баёнотни имзолашди.

Учрашувда Афғонистон томони афғон халқига оғир дамларда улкан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон халқига, мамлакат Президентига миннатдорлик билдирди. "Айнан Ўзбекистон ва унинг раҳбари узоқ йиллар давомида халқаро ҳамжамиятни бизнинг мамлакатимиздаги аҳволга эътибор қаратишга, халқаро терроризм балосига қарши курашда саъй-ҳаракатларни ўзаро бирлаштиришга чақириб келди", деб таъкидлади Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ.

Бугун Термиз ва Ҳайратон ўртасидаги кўприкни "Ҳаёт кўприги" деб аташмоқда ва айнан шу кўприк мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқаларини юксалтиришга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

**"Жаҳон" АА.**





ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

*«Халқ сўзи» • «Туркистон-пресс» • Интернет •*

### Республикамизда



**Санъатимиз жаҳон кезмоқда**

***• Пойтахтимизнинг Сирғали туманида "Қариялар қадри — юртимиз фахри" шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва "Олтин мерос" жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуман қатнашчилари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, адабиётшунос олим Омонулла Мадаевларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар.***

***• Бухоро шаҳрида ботаника боғига тамал тоши қўйилди. Шаҳарнинг Моҳи Хосса, Дилкушо мавзеларига туташ майдонда барпо этилаётган ушбу боққа турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.***

***• Наманган шаҳридаги Дашбоғ маҳалласида "Моҳларойим" аёллар маркази иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ҳозир бу ерда юздан зиёд аёллар, ёшлар ҳамширалик, зардўзлик, тикувчилик бўйича ҳунар эгалламоқдалар.***

***— Мақсадимиз маҳалламизда биронта ҳам ишсиз одам қолмаслигига эришиш, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рихсихон Абдуғаффорова.***

***• Жиззахда қишлоқ хўжалиги техникасини экиш мавсумига тайёрлашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят туманларида тайёргарликнинг бориши, техниканинг аҳволи таҳлил қилинди. Шунингдек, Пахтакор туманидаги носоз техника воситаларини марказлашган ҳолда таъмирдан чиқарилгани ҳақида мулоҳазалар айтилди. Семинар иштирокчилари мавсумга шай қилиб қўйилган техникани яна бир бор кўздан кечирдилар. Керакли маслаҳат, кўрсатмалар берилди, тажриба алмашилди.***

### Чет элларда

***• Сешанба куни, 23 йиллик танаффусдан сўнг Кобулда Афғонистоннинг миллий байроғи кўтарилди. Маросим арафасида мамлакат Муваққат ҳукумати Афғонистоннинг аввалги рамзи, яъни 1963 йилда қабул қилинган Конституция томонидан тасдиқланган байроқ ва гербнинг қайта тикланишини эълон қилганди. Маросимда чегара масалалари бўйича вазир Омонулла Дзадран сўзга чиқиб:***

***— Бу байроқ Афғонистонда яшовчи барча уруғ ва элатларнинг бирлашишига ёрдам беради. Узоқ вақт давом этган қонли урушлардан сўнг миллий байроғимиз қайтадан кўтарилди. Шундай экан ҳар қандай баҳс ва ихтилофларни четга суриб, вайронага айланган юртимизни қайтадан тиклашимиз лозим, — дея истак билдирди.***

***• Кобулга Жаҳон Озиқ-овқат дастури раҳбари Катрин Бертини ташриф буюрди. У икки кунлик сафари давомида бу ерга келтирилаётган озиқ-овқатларни Афғонистон аҳолисига тарқатилиш жараёни билан танишади. Шу билан бирга Афғонистон раҳбарлари билан инсонпарварлик ёрдамини жойларга етказишни такомиллаштириш масалаларини ҳам муҳокама қилади.***

***• «Ҳамид Карзай — демократик Афғонистоннинг етук раҳнамоси» АҚШ президенти Жорж Буш мамлакатдаги аҳвол тўғрисида конгрессга мурожаат билан чиқар экан Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбарига ана шундай баҳо берди.***

***• Яман ҳукумати АҚШга «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳига тегишли бўлган икки нафар жангарини топширмоқчи. Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, охирги уч ой ичида мамлакатда халқаро террорчилик ташкилотларига тегишли, деб гумон қилинаётганларнинг кўпчилиги асирга олинган. Ҳозирча улар 39 кишини ташкил этаяпти.***



**Афинанинг қадимий ёдгорликлари**

# ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР РЕФЕРЕНДУМ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз, кузатувчилар мазкур воқеага катта эътибор қаратаяпмиз, негаки нафақат алоҳида олинган бир минтақадаги, шу билан бирга алоҳида олинган давлатлардаги вазият ҳам ҳозирги глобаллашув замонида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўзи учун қандай ривожланиш йўлини танлаши бизда катта қизиқиш уйғотади.

***Б.ЧОХЕ, Саксония ландтаги вице-президенти, Германия:***

— Ҳамкасбим айтган фикрларга қўшимча тариқасида биз Ўзбекистон ҳудудлари ва Германия федерал ерлари даражасида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан жуда манфаатдор эканлигимизни алоҳида қайд этишни истар эдим. Чунки бизда сиёсий даражадаги сингари иқтисодий даражада ҳам ишга солинмаган имкониятларнинг улкан салоҳияти мавжуддир.

Мен, шунингдек, сайлов комиссиялари ва участкаларида ниҳоятда кўп сонли аёлларни кўриб ҳайратга тушдим. Бу мусулмон мамлакати учун камёб бўлган ҳолдир.

***Хартли БУТ, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Британия — Ўзбекистон комиссияси ҳамраиси, Буюк Британия:***

— Мен Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 13 та участкага бориб, участка комиссияларининг бутун иш жараёнини кўриш имкониятига эга бўлдим. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ҳеч нарса яширин тутилгани йўқ. Табиатнинг ҳам, одамлар кайфиятининг ҳам очиқлиги, кузатувчиларга нисбатан самимий муносабати мени ҳайратлантирди.

Икки палатали парламент масаласи, айниқса, уни сайлаш жараёни алоҳида эътибор талаб қилади. Мисол тариқасида, Буюк Британиядаги лордлар палатасини олинг. Унинг аъзолари тайинланади ва шунинг учун бугунги шароитда мазкур палата эскичадек кўринади. Шундан келиб чиққан ҳолда бир нарсани тавсия қилишим мумкинки, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси, менинг фикримча, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланиши лозим.

***Набухико СУТО, парламент депутати, Япония:***

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим ва айтишим мумкинки, ижобий таассуротларим бир дунё, айниқса, Самарқанд бўйича. Референдум масаласига келсак, ўйлайманки, бу борада улкан иш амалга оширилган. Буни овоз бериш участкаларидаги ишларнинг аниқ ташкил этилганида ҳам кўриш мумкин. Одамлар, айниқса ёшлар, менга жуда ёқди. Уларда эркинлик ва озодлик ҳиссиёти яққол сезилиб турибди.

Мен шу вақтгача бир неча бор Афғонистонда бўлганман. У ерда афғонлардан эшитдимки, Ўзбекистон уларнинг мамлакатига ёрдам бериш учун кўп ишлар қилишга қодир. Ўйлайманки, Япония ва Ўзбекистон урушдан кейинги Афғонистонни тиклаш масаласида баҳамжиҳат ҳаракат қила олади. Буни Токиода бўлиб ўтган анжуман ҳам исботлади.

***Рашид АЛЬВИ, Лок Сабха парламенти қуйи палатаси аъзоси, Ҳиндистон:***

— Бундай муҳим тадбирда халқнинг бўлиб ўтаётган воқеани чуқур тушуниб, кўтаринки кайфиятда иштирок этиши ҳамма мамлакатларда ҳам кузатилавермайди.

Мен халқнинг ҳақиқий бирдамлиги, эртанги кунга ишончининг гувоҳи бўлдим. Чунки парламент халқ фикр ва интилишларининг ифодачиси, унинг кўзгудаги ўзига хос акси ҳисобланади.

***Али ТОҲИР, "Ориент-Пресс" Ливан ахборот агентлиги директори, Ливан:***

— Араб дунёси Ўзбекистонга минтақада катта обрўга эга давлат сифатида қарайди. Бунинг сабаби мамлакатингизнинг бой табиий заҳиралари ва аҳолисининг кўплиги билангина изоҳланмайди. Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида мамлакатингиз қисқа вақт ичида обрўли давлатлар сафига кирди. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Ишонаманки, Ўзбекистон халқи Президентнинг ваколатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш ва икки палатали парламент тизимига ўтишни қўллаб-қувватлайди.

**"Жаҳон" АА.**

# ЕР ТЎЙСА, ЭЛ БОЙИЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни масалалар юзасидан компания ходимлари Бош Прокуратура, "Пахтабанк" ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда жойларда текширишлар ўтказганида минерал ўғитлар айрим ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларига эҳтиёжидан ортиқ даражада кўп бериб юборилаётгани, айримларига эса жуда кам миқдорда ажратилаётгани аниқланган. Баъзи фермерлар бу борадаги талаб ва эҳтиёжини минерал ўғит харид қилиш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Фонд томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан эмас, балки ўзлари ажралиб чиққан ширкат хўжаликлари таъминоти ҳисобидан қондирмоқда. Бу, табиийки, минерал ўғитлар таъминотида узилишларни келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида "Ўзқишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик компаниясининг 2001 йилдаги иш фаолияти якунлари ҳамда галдаги вазифаларига бағишланган йиғилишда ана шу масалалар батафсил муҳокама этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

# Умримизга умр қўшади

Ярим асрга яқин вақт мобайнида ўқитувчилик қилдим. Таълим-тарбия берган шогирдларимнинг сон-саноғи йўқ. Уларни тез-тез учратиб тураман. Миннатдор бўлишади, раҳмат айтишади. Шунда ўқитувчиликни танлаб янглишмаганлигимни англайман, Яратганга шукрона айтаман.

Иш фаолиятимнинг асосий қисми эски мафкура ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келди. Нурнинг қадри қоронғуда яхшироқ билинади. Демоқчиманки, бугунги кунларнинг қадрига етишимиз лозим. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинганда бир яшардим. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинганда кўнглим янада ўсди.

Мазкур дастурда кекса авлодга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу каби тадбирлар умримизга умр қўшиб, соғлиғимизни мустаҳкамлашга, турмушимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу боис миннатдорчилигимиз беҳисоб. Зеро, отамерос анъана ва қадриятларини улуғлаган эл ҳеч қачон кам бўлмайди. Кекса одамга кўп нарса керак эмас. У ўзини ўйламайди, болаларимга, юртимга, Ватанимга бўлсин, дейди. Эзгу мақсад йўлида кучи етганича ҳаракат қилади. Шунинг ўзи катта олижанобликдир.

Кейинги 10 йил давомида, гарчи нафақада бўлсамда, қаламни қўлдан қўйганим йўқ. Бир неча рисолалар яратдим. Бугунги кунда эса янги қораламалар устида ишлаяпман. Қарияларни қадрлаш йилида уларнинг чоп этилишидан умидворман. Зеро, кексадир, ёшдир. Ватан ва халқ манфаати йўлида хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчидир.

**Йўлдош ҲОЖИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**



***2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили***

# Хайрли ташаббус

Ҳар йили очиқ турдаги «Қувасой чинниси» акциядорлик жамиятида хайр-саховат, меҳр-мурувват тадбирларига алоҳида эътибор берилади. Ўтган йили Қувасой шаҳридаги мактаблардан бирини ўз ҳомийлигига олиб, ибрат кўрсатган чиннисозлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қароридан руҳланиб, яна бир хайрли ташаббуснинг баридан тутишди.

Даставвал иккинчи жаҳон урушида қатнашган, фашизм илдизига болта урган уруш фахрийларини сийлаш ҳақида келишиб олинди. Тақдири корхона ҳаёти билан бир умр боғлиқ бундай фахрийлар айни пайтда давлатдан қанча нафақа олишаётган бўлса, корхона хазинасидан ҳам уларга шунчадан қўшимча нафақа тўланадиган бўлди.

Корхонада узоқ йиллар ишлаб, меҳнат нафақасига чиққан, ҳозирда якка-ёлғиз умргузаронлик қилаётганларнинг шароити, турмушлари, ҳаёт тарзлари ўрганиб чиқилди. Энди улар ҳам нафақа олган кунлари корхона ҳисобидан бериладиган қўшимча нафақага ҳам ҳақдор бўлишди. Тенгма-тенг маблағ билан бирга уларга зарур пайтларда қаровчи ходимларнинг иш ҳақини ҳам корхона тўлайдиган бўлди.

Бундан ташқари шаҳар ҳокимлигининг тавсияси билан 17 нафар якка-ёлғиз қарияларга қўшимча нафақа белгилаш, уларнинг қаровчиларига иш ҳақи тайинлаш, уй-жойга муҳтож 7 та нафақахўрга кўп қаватли уйлардан сотиб олиб беришни, шунингдек, «Саховат уйи»га ҳомийликни ҳам ўз зиммаларига олишди.

Қувасойлик чиннисозларнинг ибратли ташаббуслари вилоятнинг бошқа корхона ва ташкилотлари, меҳнат жамоаларида ҳам кенг қулоч ёйиши, шубҳасиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мулоҳаза***

***Қадриятни, аввало, миллий қадриятни ҳар ким ҳар хил тушунади. Биров меҳмоннинг елкасига чопон ташлаб, бошига дўппи кийгизишни ёки етти ёт бегона бўлса ҳам ўзга бир инсонга бир пиёла чой узатишни миллий қадрият деб билади. Буларга ўхшаган ва бошқа кўплаб одатлар ҳаётимизга, тушунчалар эса онгимизга сингиб кетган. Бу нарсалар бизга тамғадек муҳрланиб қолмаслиги, аксинча замонавий мазмун билан бойиб боргани маъқул. Бироқ баъзи одатларимиз кўпинча эриш ҳолатларни юзага келтирмоқда.***

# ҚАДРИЯТ ҚАДР ТОПСИН

Россия телеканалларининг баъзи кўрсатувларида гоҳо ўзбекларнинг одатлари ёки анъаналарига бир «тегиб» ўтилади. Бу «тегиб» ўтишлар кўпинча бошқа бир миллатнинг қадриятига қизиқиш ёки ҳурмат эмас, балки истеҳзо ёки луқма тарзида бўлади. Баъзан масхаралаш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Жумладан, янги йил кўрсатувини эсланг. Ҳозирги ўзбеклар томошабинда гўё ўрта аср одамларидай таассурот қолдиради.

Умуман, телекўрсатувлардагина эмас, балки бошқа ҳолатларда ҳам ўзбекнинг чопони-ю дўпписи ҳамиша ҳозиру нозир. Уни кимга ва қандай пайтда беришни ҳам билишимиз зарурга ўхшайди. Акс ҳолда миллий қадриятимизни қадрсиз қилиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Айниқса, миллий қадриятларимизни — одатларимизни қолоқлик асорати деб қабул қиладиган баъзи бир одамларга зар чопонлар-у чуст дўппиларимизни, шоҳи сўзана-ю атласларимизни увол қилмайлик. Одатда, бундай совғалар авайлаб-асралади, меҳмондўст миллатдан эсдалик сифатида сақлаб қўйилади. Саксонинчи йилларда Ўзбекистонга ташланган «десантчилар»га анъанага айланиб қолган одатга кўра берилган кўплаб қимматбаҳо совғалар тақдири бизни ҳушёр торттириши лозим. Ҳеч ким уларни авайлаб-асрамади, эсдалик сифатида сақлаб қўймади, аксинча, уларни ўзлари раҳбарлик қилаётган жойлардаги савдо дўконларига қимматбаҳо нархларда топшириб, пулларини олиб жўнаб қолишди. Увол дейишимга сабаб шу. Бундан сабоқ чиқаришимиз зарур.

Менинг бундай хулоса чиқаришимга фақатгина Россия телеканалларида ёки турли тадбирларда кўрганларимгина туртки бергани йўқ. Бошқа юртдошларим каби мен ҳам ўзбекона одатга кўра баъзан ўринсиз ҳолатларда дўппи-чопон улашиб, мезбонлар олдида ноқулай вазиятга тушиб қолганман. Бир гуруҳ журналистлар Хитойга борадиган бўлиб қолдик. Хитойликларга нима совға олсак экан, деб роса бош қотирдик. Ахийри, яхшиси, дўппи-чопон олайлик, деган бир қарорга келдик. Чопонни камроқ, дўппини кўпроқ олдик. Борган жойимизда мезбонларга биттадан улашавердик. Кўпайиб кетдими дейман, совғанинг қадри қолмади. Бунинг устига хитойликларнинг жуссасига чопонимиз тўғри келмади. Нима бўлса бўлди энди, қуруқ келгандан кўра шуниси ҳам маъқул, деб ўзимизни ўзимиз овутдик. Бошқа ҳеч нарса хаёлимизга келмади. Бироқ қайтишимизда улар бизни боплашди. Аэропортда ҳар биримизнинг қўлимизга биттадан катта қалин конверт тутқазишди. Очиб қарасак, Хитойда бўлган пайтларимиз тасвирга туширилган ўттиздан ортиқ рангли суратлар. Бундан ортиқ совға бўлиши мумкинми? Биз ҳеч бўлмаганда Ўзбекистоннинг, хусусан Тошкентнинг гўзал манзаралари туширилган суратларни ҳам олиб кетмабмиз. Чунки хаёлимизда фақат дўппи-чопон бўлган.

Тарки одат — амри маҳол, дейишади. Орадан бироз вақт ўтиб, ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Мисрга борадиган бўлиб қолдик. Кетиш олдидан роса ўйландик: яна совға муаммоси туғилди. Хорижга кўпроқ бориб турадиган танишларимиз чопон, дўппи, атлас олинглар, деб маслаҳат беришди. Нима ҳам дердик, ўзбекчилик. Назаримда, бу ҳар биримизнинг қонқонимизга сингиб кетгандай. Бошқа совға ҳеч биримизнинг хаёлимизга келмаганига ҳайронман. Ўнта қалин чопон, йигирмата дўппи, беш кўйлаклик атлас олиб йўлга чиқдик. Аэропортда юкимизни алоҳида расмийлаштирдик. Мисрдай иссиқ мамлакатга қалин чопоннинг нима кераги бор, дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Учрашувлар кўп бўлди. Ҳар бир учрашувга чопон кўтариб борамиз. Манзара бир хил: чопон-дўппи кийдириш. Кўпайиб кетса, жуда-жуда эриш туюлар экан. Бир жойга борсак, нима қилишимизни олдиндан билишади. Қизиғи йўқ, ҳаяжон йўқ. Одам ўйланиб қолар экан: нима, миллий қадриятимиз, совға-саломимиз фақат дўппи-чопон билан ўлчанадими?

Аслида-чи? Миллий қадриятларимиз — анъаналаримиз мазмунли ва шаклан шу даражада бойки, уларни бир-иккита одатларимиз доирасида чегаралаш ва унинг атрофида ўралашиб қолиш бизни умуминсоний қадриятлардан узоқлаштириб юборар экан. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралиб қолмаслигимиз ва ҳеч кимга кулги бўлмаслигимиз зарур. Ҳозир савдо дўконларида нима кўп, совға кўп. Уларнинг орасида миллий қадриятларимизнинг тимсоллари акс этганлари ҳам, замонга ва даврга ярашадиганлари ҳам, турли маросимларга мослари ҳам кўп.

Тўғри тушунинг, булар шахсий мулоҳаза. Мен дўппи-чопон совға қилмаслик керак, деган фикрдан мутлақо йироқман. Бу яхши анъана. Бироқ меъёрида бўлгани маъқул. Бу тадбир қаерда, қандай вазиятда, кимнинг шарафига ўтказилиши ҳам жуда муҳим. Мақсад шуки, қадриятларимиз қадр топсин, миллат ва Ватан шаъни улуғлансин.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**«Туркистон-пресс».**



*Уйчи туманида кейинги пайтда фермер хўжаликларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Соҳани ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Масалан, «Аббос ота» фермер хўжалигида (раҳбари Раҳимберди Турғунов) 80 бош қорамол парвариш қилиняпти. Мавжуд 18 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 7-8 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда.*

**СУРАТДА:** илғор чорвадор Махмудахон Қаюмова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Тадбиркорлик***

# Қишлоқда қўшма корхона

Зарметан қатиғи ҳақида кўпчилик эшитган, албатта. Унинг таъми ширин, қуюқ, кўп дардга даво. Аммо қишлоқ аҳолиси илгари ўз рўзғорида етиштирган сут ва қатиқни Навоий, Ғиждувон шаҳарлари, ҳатто Бухорога олиб бориб сотар, бу ўз навбатида кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Шуни ҳисобга олиб, Қизилтепа тумани тадбиркорлари Зарметанда Туркия технологияси билан жиҳозланган қўшма корхона очдилар. Эндиликда аҳоли сутни янги корхонага нақд пулга сотмоқда.

— Ўтган йили салкам 5 миллион сўм даромад олдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Собир Ғиёсов. — Чунки биз сутни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқараётган маҳсулотлар — қатиқ, сариёғ, сметана, пишлоқларга харидорлар кўп. Шартномага кўра, уларнинг асосий қисмини шифохона, мактаб ва болалар боғчаларига жўнатаяпмиз. Янги йилдан бошлаб эса вилоят марказида ҳам қадоқланган маҳсулотларимиз сотувга чиқарилаётир.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОНУНБУЗАРЛИК

## Газ ва электр таъминотига анча таъсир кўрсатмоқда

***Чироқсиз уй зимистон. Хонадонда газ бўлмаган куни қора қозонни қайнатиш катта ташвиш. Демак, электр энергияси ва газнинг нафақат ҳар бир инсон турмуш тарзидаги, балки жамият ҳаётидаги аҳамияти беқиёс.***

***Кейинги пайтда аҳолини газ ва электр энергияси билан таъминлашда айрим муаммоларнинг вужудга келаётгани, «Бизда газ йўқ». «тез-тез чироқ ўчмоқда» — деган мазмунда юқори ташкилотларга ва ҳатто газета таҳририятларига шикоят хатлари тушишига сабаб бўлмоқда. Хўш, газ ва электр энергияси таъминотида рўй бераётган нуқсонлар қаердан пайдо бўлмоқда? Қолаверса, бу камчиликлар сабаби нимада ва улар кимларнинг айби, йўл қўйган хатоси эвазига вужудга келмоқда?***

Шу сингари бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик жамияти, «Ўзбеккоммуналхизмат» агентлиги «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Бошкоммуналгаз» корхоналари билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқилиб, махсус тадбирлар ўтказилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, газ ва электр таъминотидаги нуқсонларнинг асосий сабабларидан бири республикамиз ҳудудида фаолият юритаётган айрим субъектлар ва баъзи фуқароларнинг бу бойликлардан ноқонуний фойдаланаётганлигидир. Айниқса, бунда корхона, ташкилотлар, хусусий ошхоналар, устахоналар, иссиқхоналар, тегирмон ва мойжувоз эгаларининг «ҳиссаси» кўплиги ачинарлидир. Мутахассисларнинг фикрича битта иссиқхонага сарфланадиган газ босими билан кичикроқ қишлоқдаги хонадонларни таъминлаш мумкин экан. Битта тегирмон ёки мойжувозни айлантиришга сарфланадиган электр қуввати эса бир маҳалланинг чироғини ёритишини айтишди. Модомики, бугунги кунда тегирмон ёки мойжувоз бўлмаган қишлоқни, иссиқхонаси йўқ кўрғонни, тандирхона ёки ошхона қурилмаган жойни учратиш қийин. Албатта буларнинг бўлгани яхши. Улар халқ учун керак. Аммо қонунга риоя қилмай пул тўлашдан қочиш мақсадида хуфиёна йўллар ахтариш инсофдан эмас.

Шу боис, Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси профилактика инспекторлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла посбонлари, тармоқ ходимлари билан ҳамкорликда текширув олиб бордилар. Асосий эътибор газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланаётган, уларни яширинча улаб олган кишиларнинг қилмишларини фош этишга қаратилди.

Шу мақсадда Тошкент вилоятида олиб борилган тадбирлар натижасида ўзбошимчалик билан газни улаб олган ёки ундан ноқонуний фойдаланиб келаётган 468 та хонадон, 55 та иссиқхона, 38 та хусусий ошхона, 16 та савдо дўконлари аниқланди.

...сусий ҳаммом эгаси Э.Рўзметов 688 минг 229 сўм миқдорида зарар келтиргани туфайли жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу ҳолатлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам жумладан, Жиззахда (3163 та), Хоразмда (2888та), Фарғонада (2502 та) Самарқандда (2257 та) ва Сурхондарёда (2238 та) борлиги аниқланди. Ички ишлар идораларининг бевосита иштирокида атиги 15 кун давомида жами 242 минг 824 та объект текшириб чиқилди. Ушбу тадбирлар натижасида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган 14 минг 117 та ҳолат аниқланди. Газдан ноўрин тарзда фойдаланиш бўйича 8 минг 42 та ҳолат қайд этилиб, айбдорларга тегишли чоралар кўрилди.

Кўриниб турибдики, текширувлар пайтида асосий эътибор мавжуд камчиликларни аниқлашга қаратилди. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

523 та хонадон, 102 та хусусий ошхона ва 82 та иссиқхона эгасининг электр энергиясидан ноўрин фойдаланаётгани ҳам аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Масалан, Тошкент туманида олиб борилган тадбирлар натижасида «Абдураҳим ҳожи» фермер хўжалиги раиси А.Абдураҳмоновнинг ноқонуний равишда газдан иссиқхонасида фойдаланиб, 1 миллион 540 минг 90 сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, яна бир иссиқхона эгаси Ғ.Абдуллаев номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро З.Муҳамедов ҳам газдан ноқонуний равишда фойдаланиб, давлатга 1 миллион 540 минг 514 сўм миқдорида моддий зарар етказган. Келес шаҳри А.Самитов кўчасида жойлашган ху-

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЎЙЛАМАСДАН ГАПИРГАН...

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар. Куни кеча «Труд» газетасида чоп этилган журналист Сергей Ишченконинг мулоҳазалари ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Унинг айтишича, Кобулда толиблар йўқ қилинганлигига қарамай, ғолиблар қайтишга ҳозирланишмаяпти. Аксинча, улар Россиянинг азалдан ва асосланган миллий манфаатлари мавжуд бўлган Марказий Осиё минтақасида янада мустаҳкам ўрнашиб олаётган экан. Гўё Ўзбекистондаги аэродромни янада такомиллаштириш учун АҚШ миллионлаб доллар сарфлаётган эмиш.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай уйдирмаларни тарқатишдан мақсад нима? Довдираб айтилган алмойи-алжойи гаплар замирида мустақил сиёсат юритаётганимизни кўролмаётган, ҳанузгача «оғалик» кўзи билан қараётган сиёсатдонлар ва кучларнинг бемаъни мақсадлари ётибди. Президентимиз Афғонистонда аксилтеррор амалиётлари бошланган кезларда хорижий оммавий ахборот воситаларининг бундай сафсаталарига жавобан ЎзА мухбири билан қилган суҳбатда шундай деган эди: «Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур яшашга ўрганган халқмиз. Биз — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз».

Дарҳақиқат шундай. Турли кучларга муте бўлиб қолган баъзи нашрларнинг мухбирлари бу сўзларнинг маънисини англаб етганларида эди, мустақил давлат, мустақил халқ ҳақида бундай бемаъни гапларни тарқатмаган бўлишарди. Афсуски, холислик ва оқиллик ҳаммага ҳам насиб этмас экан-да.

Шу ўринда АҚШ Давлат котиби ўринбосари Элизабет Жоунс хонимнинг яқинда «Си-Эн-Эн» телекомпаниясига берган интервьюсидаги қуйидаги сўзларини эслатиб қўйишни жоиз деб топдик.

— Биз узоқ муддатга Марказий Осиёда Қўшма Штатларнинг базаларини яратиш тўғрисида сўз юритаётганимиз йўқ, — дейди Жоунс хоним. — Бугунги кунда биз Афғонистонда терроргчиликка қарши кураш йўлида Марказий Осиёдаги базалардан фойдаланишимиз зарур. Бироқ бу эҳтиёж узоқ муддатга чўзилмайди.

Бундан ҳам аниқ ва лўнда жавоб бўладими? Қолаверса, Пентагон намояндаларидан бири Томми Фрэнкс ҳам худди шу маънода гапирган эди. Шу билан бирга, президент Владимир Путин аксилтеррор амалиётлари бошланишидан аввалоқ АҚШ базаларини Марказий Осиё мамлакатларига жойлаштириш юзасидан Россиянинг расмий позициясини аниқ ва қатъий билдирганди. Минтақадаги мамлакатлар мустақил эканликларини, шунга мувофиқ улар бу борада ўз манфаатларидан келиб чиқиб қарор қабул қилишларини таъкидлаганди.Шундай экан бундай, ёлғонларни тарқатиш кимларга ва қандай мақсадлар учун керак бўляпти?

Тўғри, бугун Афғонистон аста-секин тинчлик сари одимламоқда. Вайронага айланган афғон заминида бунёдкорлик ишлари бошланди. Аммо қарийб чорак асрлик урушни бошдан кечирган Афғонистоннинг тинч ҳаётга қайтиши осон кечмаслиги аниқ. Шу боис мамлакат муваққат ҳукумати халқаро ҳамжамиятнинг моддий ва маънавий ёрдами билан Афғонистонни осойишта ҳаётга қайтариш йўлида ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон орқали эса афғон халқига узлуксиз инсонпарварлик ёрдами етказиб берилмоқда. Маълумотларга қараганда, шу кунга қадар Термиз дарё порти, Термиз-Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга 29 минг тоннадан ортиқ инсонпарварлик юклари ўтказилган. 27 январь куни ҳам темир йўл орқали 331 тонна юк афғон халқига тақдим этилди.

Ўзбекистоннинг сўз ва ишдаги бирлигини бугун мамлакатлар яхши билишади. Бу эса давлатимиз сиёсати умумжаҳон сиёсатининг асосий қисмига, умуминсоний қадриятга айланаётганлигининг ёрқин далилидир. Ёмон кўз билан қараётганлар юртимизга нисбатан қанчалик бўҳтон ва уйдирмаларни айтишмасин, мамлакатимиздаги қатъиятлилик тинчликсевар ва эзгуликпарвар кишилар томонидан ўз баҳосини олаверади.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЎЗБЕКИСТОН-НАТО: ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

### Эътироф ва эътибор

"Вендом" меҳмонхонаси Брюсселнинг марказида — "Шератон", "Плаз" ва бошқа отеллар билан қўшни жойлашган. Умуман, Бельгия пойтахтининг шу қисмини меҳмонхоналар мавзеси деб атаса ҳам бўлади. Чунки уларнинг катта-ю кичиги, тўрт ва беш юлдузлиги жудаям кўп бу ерда.

Пештоқига инглиз тилида "Ўзбекистон жамоатчилигининг илғор вакиллари" деб ёзилган автобус "Вендом"дан НАТОнинг бош қароргоҳига етиб боргунча 35-40 дақиқа йўл юрди. Йўқ, масофанинг олислигидан эмас, аксинча, шаҳар кўчаларининг торлиги-ю ҳаракатланаётган автотранспортнинг кўплигидан шунча вақт сарфланди.

Бош қароргоҳда НАТОнинг мартабали вакилларидан бўлган жаноб Рад Ван Ден Аккер ўзбекистонлик меҳмонларга пешвоз чиқди. Ва қисқача танишувдан сўнг НАТОнинг бугунги ҳаёти ҳақида гапириб берди. Шимолий Атлантика иттифоқининг 2002 йилги тақдимот дастуридан даставвал Ўзбекистон делегациясига ўрин берилгани бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Мен жаноб Ден Аккернинг қуйидаги гапини сўзма-сўз ёзиб олдим: "Аксилтеррор операцияларининг муваффақиятли амалга оширилишида Ўзбекистон берган ёрдам, унинг тутган ўрни жуда-жуда катта бўлди". Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигининг эътирофи эди бу. Ўзбекистон бир неча йилдан бери такрор ва такрор ўртага ташлаётган таклиф ҳамда ташаббуслар нечоғли долзарблигининг халқаро миқёсда тан олинганидан яна бир далолатдир бу. Кўриб турганингиздек, суҳбатимиз ўз-ўзидан халқаро терроризмга қарши кураш мавзусига бурилди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки бугун дунё аҳли ана шу офатни тезроқ бартараф этиб, тинч-осуда ҳаёт кечириш хаёли билан банд. Зеро, ҳеч ким бу хавф-хатардан ҳимояланмаган. Ҳатто энг ривожланган, энг қудратли давлатлар ҳам. 11 сентябрь воқеалари буни барчага бирдек исботлаб берди.

НАТО Бош котибининг ўринбосари жаноб Александро Минуто Рицо билан мулоқотимиз ҳам юқоридаги мавзу билан бошланди. Бош котиб ўринбосари Шимолий Атлантика иттифоқи Ўзбекистон позициясини юксак қадрлаши ва ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканлигини зўр мамнуният билан таъкидлади. Жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистонга бутунлай янги нуқтаи назар билан қарамоқда, сўзида давом этди жаноб Рицо. Дунёда хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси, глобал муаммоларни ечиш билан боғлиқ таклифлар ана шундай обрў келтирди. Биз Ўзбекистонни бугун кашф қилганимиз йўқ. Уни аввал ҳам Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида билардик. Айни кунда эса у халқаро жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Афғонистонда олиб борилаётган аксилтеррор операцияларининг самарали кечаётгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин маҳаллий аҳоли қўлида тўпланиб қолган қурол-яроғни йиғиштириб олмасдан, наркобизнесга чек қўймасдан туриб бу ерда тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги тўғрисидаги таклиф нечоғли аҳамият касб этишини ҳам тан олиш керак.

Осман Явузалп жаноблари Шимолий Атлантика иттифоқида НАТОнинг кенгайиши, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурини амалга ошириш масалалари билан шуғулланар экан. У кишини алоҳида таништираётганимизнинг сабаби бор, албатта. Жаноб Явузалп "НАТО янгиликлари" журналидаги мақоласида Ўзбекистон ҳақида, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбийларимизнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастуридаги иштироки хусусида илиқ фикрлар билдирган. Ўзбекистон ҳеч қандай муболағасиз олдинги қаторда турибди, дейди у. Шунинг учун ҳам йил бошида биринчи бўлиб сиз билан учрашиб турибмиз, шунинг учун ҳам НАТО делегациясининг яқин кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриши кутилмоқда.



(Давоми. Боши ўтган сонда)

### Мавҳум ғоя учун ёниб куймайдилар

Энг қизиқарли мулоқотлардан бири НАТОда кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Сюзан Понд хоним билан кечди. У Шимолий Атлантика иттифоқининг халқаро котибиятида фаолият кўрсатади.

Халқаро котибиятнинг аҳамияти шундаки, НАТОнинг барча қўмита ва бўлимлари бевосита ушбу тизим билан алоқа қилади. Унинг ходимлари тўғридан-тўғри Бош котибга бўйсунади. Котибият бешта тезкор бўлим, маъмурий-хўжалик ва молия назорати бошқармалари ҳамда Бош котиб хизматидан иборат. Ҳар бир бўлим ва бошқарма бошлиқлари бир вақтнинг ўзида Бош котиб ёрдамчиси ҳисобланади.

Халқаро котибият ахборот алмашув ва матбуотга алоҳида муҳим аҳамият билан қарайди. Шунинг учун ҳам ахборот ва матбуот бўлимининг бошлиғи НАТОнинг Ахборот алмашув ва маданий алоқалар бўйича қўмитасининг раиси ҳисобланади. Ҳатто бўлим бошлиғининг ўринбосари ҳам Бош котибнинг расмий вакили сифатида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан иш олиб бориши мумкин.



Таништирув нутқини тугатган Сюзан хоним турли саволлар ёғилишини кутмаганди чоғи. Долзарб саволларга қизиқ жавобларнинг айтилгани шундай дейишимизга сабаб бўлди. Жумладан, ушбу сатрлар муаллифининг нима учун Ўзбекистон таклифларига ўз вақтида қулоқ солинмагани хусусидаги саволига Понд хоним қуйидагича фикр билдирди:

— Ўша таклиф ва ташаббуслар қайсидир маънода бўрттириб кўрсатилаяпти, янаям аниқроғи мавҳум ғоялар (абстракт идея) деб қаралганди.

Шундай пайтда беихтиёр ҳиссаётингиз жўш уради. Ахир мавҳум ғоя учун ёниб куймайдилар. Бунчалик фидойилик кўрсатмайдилар. Нима ҳам дердик. Одил ҳакам деб атайдиганимиз ВАҚТ ҳамма нарсага ўзининг холис баҳосини бериб бўлди.

### Ҳарбий-сиёсий уюшманинг илмий фаолияти

Бир сўз билан айтганда, НАТОнинг илмий дастури Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП)га кирувчи мамлакатлар олимларининг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни бош мақсад қилиб қўйган. Қатор илмий стипендияларни инобатга олмаганда, НАТОнинг илмий дастури айни кунда Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо ва ҳамкор давлатлар олимлари ўртасида ҳар томонлама яқин алоқаларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган.

НАТОнинг илмий фаолияти тўртта асосий йўналишга бўлинган: илмий стипендиялар, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик, тадқиқотчилик инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш, илм-фан ривожи тинчлик учун. Мазкур йўналишлардан келиб чиқиб НАТО ҳар йили кўплаб конференциялар ташкил қилади. Уюшма таркибидаги Махсус тадқиқотлар институти ушбу конференцияга ҳамкор давлатлардан ташриф буюрувчи олимларнинг барча харажатларини қоплайди. Бундай илмий анжуманларга номзодларни жўнатувчи томоннинг ўзи танлайди.

НАТОнинг илмий стипендиялари ёш олим-тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган. Унинг соҳиблари Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо давлатлардан бирида тадқиқотлар ўтказиш ёки таълим олиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, мазкур стипендияга эга бўлишнинг ўзига хос талаблари ҳам бор. НАТОнинг илмий қўмитаси ана шундай талаблар асосида бўлажак стипендиатларни танлаб олади ва тадқиқотларини мувофиқлаштириб боради.

Тилга олганимиз дастурнинг иккинчи йўналиши — илмий-техникавий ҳамкорликнинг ўзи яна тўртта тармоққа бўлинади: физика-техникавий, ҳаёт тўғрисида илм ва техника, ер ва борлиқ илм-техникаси, хавфсизлик билан боғлиқ фан ва техника. НАТО ана шу йўналишларда тадқиқотлар ўтказишни истаган олимларга турли даражадаги грантлар ажратади ва қўллаб қувватлайди.

Шимолий Атлантика иттифоқида айнан Ўзбекистон билан воситачи офицер сифатида хизмат қилувчи жаноб Валтер Кафенбергер юқоридагилар ҳақида батафсил фикр юритди. У мамлакатимизга кўп бор ташриф буюрган. Ҳозирда Давлат фан ва техника қўмитаси билан ҳамкорликда республикамизда сунъий йўлдош орқали глобал интернет тизимини жорий этиш бўйича иш олиб бораяпти.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**
**Брюссель-Тошкент.**

(Давоми бор)

*Шарҳловчи нигоҳи*

## Баъзи бир маълумотлар

**Бу йил НАТОнинг янги аъзоларни таклиф этиши кутилмоқда. Болқон минтақасидаги бир нечта давлатлар Шимолий Атлантика иттифоқи таркибига кириш учун асосий номзод бўлиб турибди.**

**Бир пайтлар умуман қарама-қарши нуқтаи назарда бўлган НАТО-Россия муносабатларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Москвада Шимолий Атлантика иттифоқининг ахборот алмашув бўйича ваколатхонаси иш олиб бораётганини бу борадаги дастлабки қадам дейиш мумкин.**

**1997 йилнинг 27 май куни Париж шаҳрида НАТО ва Россия ўртасида ўзаро алоқалар, ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Акт имзоланган.**

**СЕАП "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурини янада чуқурлаштириш устида иш олиб бормоқда. Ҳозирда 25 та йўналиш бўйича таклифлар тайёрланган. Ана шу жараёнда Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос ва мос ўрни бор.**

*Диққат, янгилик!*

## Яна бир илмий марказ

Маълумки, кейинги йилларда олимларимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида кенг қамровли изланишлар олиб бормоқда, янги кашфиётлар устида тинмай изланмоқдалар. Табиийки, улар орасида Андижон ва Наманган вилоятлари ўқув даргоҳларида, илмий муассасаларда фаолият кўрсатаётган олимлар ҳам бор. Улар яратган янгиликлар бугун фан тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Чунончи, Андижон давлат университети олимлари томонидан яратилган ўнлаб ўқув қўлланмалари ва дарсликлар бутун мамлакатда амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлиқ физикаси бўлимининг Андижон шохобчаси ҳамда университет олимлари биргаликда таклиф этган республикамиз саноат корхоналари учун ўта зарур бўлган «Маҳаллий хом ашёдан графит электродлар тайёрлаш технологиясини яратиш» мавзусидаги лойиҳаси Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг 2001 йилги танлови ғолиби деб топилди.

Куни кеча Андижон давлат тиббиёт институтида ЎзФА Андижон-Наманган илмий марказининг очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманда Тошкент шаҳри, Наманган ва Андижон вилоятларидан етакчи олимлар иштирок этиб, ўзаро фикр алмашдилар.

— Марказнинг ташкил этилиши биз, ёш олимлар учун айни муддао бўлди, — дейди Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг катта ўқитувчиси Тўлқин Каримов марказ хусусида ўз фикрини баён этаркан. —Негаки, биз ўқув даргоҳларида бевосита таълим-тарбия ишлари, машғулотлар билан банд бўлиб, изланиш, замонавий техник ахборот тизимларини ўрганишга мос келувчи шароитга эга бўлолмаётган эдик. Энди марказ ана шу масалаларда бизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.



**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**УКРАИНА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ МАРКАЗИ (УИТМ)**
**АХБОРОТ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛИШИ.**

**Украина илмий-техникавий маркази (УИТМ)** – ҳукуматлараро дипломатик ташкилот бўлиб, унинг қароргоҳи Украинанинг Киев шаҳрида жойлашган. Канада, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Украина томонидан маблағ билан таъминланади. УИТМ Украина, Грузия ва Ўзбекистондаги илмий лойиҳаларни ташкиллаштиради, маблағ билан таъминлайди, назорат қилиш билан бирга олимларнинг мудофаа-саноати комплексида орттирган билим ва тажрибаларини фуқаролик йўналишидаги технологияларни ривожлантириш учун тадбиқ қилишда ёрдам беради.

**Ижрочи директор Лео Овсяцкий Ахборот офисининг Тошкентдаги ваколатхонасини 2002 йил 6 февраль куни бўладиган расмий очилишини чуқур ҳурмат билан маълум қилади.**

**Офис Ўзбекистон олимлари ва инженерлари билан биргаликда бутун жамоатчилик учун очиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг биносида, қуйидаги манзилда жойлашган:**

***Регина Саттарова, УИТМнинг Ўзбекистондаги вакили, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.***
***700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳъё Ғуломов кўчаси, 70-уй.***
***Телефон (+998-71) 136-06-71.***
***Телефакс (+998-71) 132-09-66.***
***E-mail: stcuuz@online.ru***

5266/139

**Ташкилот Тюмень ва Иглинск заводларида ишлаб чиқарилган тарозиларини сотади РН-10Ц 13У до 10 кг., РП-100Ш 13М1**



***Ўта ишончли, тўғри ва сифатли тарозилар – бу Тюмень ва Иглинск заводларининг Ўзбекистондаги дистрибьюторидан сизлар учун.***

***Ҳохлаган шаклда пул тўлаш мумкин. Нархлар паст.***

**Тел.: 30-70-50, 55-33-54.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг

**"Ўрта Осиё Транс"**

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**2002 йил 1 февралидан халқаро юк ташиш бўйича ҳайдовчи-экспедиторлар лавозимлари бўш ўринларига танлов эълон қилади.**

*Талаблар:*
- 30-40 ёш бўлиш;
- халқаро юк ташиш бўйича сертификатга эга бўлиш;
- «С» ва «Е» категория бўлиши;
- оғир юкларни ташийдиган автомашиналарда камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- охирги иш жойидан тавсифнома.



**Аризалар «Ўрта Осиё транс» давлат акциядорлик компаниясининг кадрлар бўлимида 2002 йил 1 мартгача қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 75-уй, автосалон.**

5244/80

**Телефонлар: 68-76-34, 68-92-74.**

**Ҳурматли тадбиркор жаноблар !**

**Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида**

# "АСАКА" БАНКИ

**2002 йил 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран**

**30%дан 50%гача**

**камайтирганини эълон қилади.**

"Асака" банки Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир.
Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва четэл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

**"Асака" банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !**

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-83-83, 120-81-62,120-82-98, 120-82-6**
**Манзилимиз:**
**700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида.**

5272/101

